



Features of stages of development of the Institute of Advocacy in the Republic of Uzbekistan 1990–1996

Valisher DAVLYATOV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2023

Received in revised form

15 December 2023

Accepted 20 January 2024

Available online

15 February 2024

Keywords:

advocacy,

advocacy,

Chamber of Advocates,

guarantees of independence,

public interest,

qualified legal assistance.

ABSTRACT

The article provides a scientific and theoretical analysis of the peculiarities of the activities of attorney self-government bodies in the Romano-Germanic legal system. The organization of the body of lawyer self-government is considered using the example of Germany and France, the provision of the organizational and legal foundations of the institution of the legal profession, the legal status of lawyer formations, advocacy, taxes and other mandatory fees for lawyers, the activities of lawyer associations, the relationship of the legal profession with the justice authorities and other government bodies. The trends in the evolutionary transition of the institution of advocacy from a state body to a self-regulatory organization are also analyzed.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss1/S-pp229-233>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Роман-герман (континентал) ҳуқуқ тизимида адвокатлар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзига хос хусусиятлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

роман-герман

(континентал) ҳуқуқ

tizimi,

адвокатура,

Адвокатлар палатаси,

малакали юридик ёрдам.

Ушбу мақолада роман-герман (континентал) ҳуқуқ тизимида адвокатлар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзига хос хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган бўлиб, Германия, Франция каби давлатлар мисолида адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ташкил этиш, адвокатура институти ривожланишининг ҳуқуқий асослари, адвокатура институтининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, адвокатлик тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми, адвокатлик фаолияти, адвокатура ва адвокатлар

¹ PhD, Docent, Independent Researcher, Tashkent State University of Law. E-mail: valisherdavlyatov@gmail.com

учун белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, адвокатларнинг жамоат бирлашмаси фаолияти, адвокатуранинг адлия органлари ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабати, соҳадаги мавжуд муаммолар ёритилган.

Особенности деятельности органов адвокатского самоуправления в романо-германской системе права

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

романо-германская система права, адвокатура, Палата Адвокатов, квалифицированная юридическая помощь.

В статье проведен научно-теоретический анализ особенностей деятельности органов адвокатского самоуправления в романо-германской системе права. Рассмотрена организация органа адвокатского самоуправления на примере Германии и Франции, обеспечение организационно-правовых основ института адвокатуры, правовой статус адвокатских формирований, адвокатская деятельность, налоги и другие обязательные сборы адвокатов, деятельность адвокатских объединений, взаимоотношения адвокатуры с органами юстиции и другими государственными органами. Также анализируются тенденции эволюционного перехода института адвокатуры от государственного органа к саморегулируемой организации.

Мамлакатимизда адвокатура институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда хорижий мамлакатларда, хусусан роман-герман (континентал) ҳуқуқ оиласига мансуб ҳуқуқ тизимига асосланган давлатларда адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини оммавий-ҳуқуқ асосида ташкил этиш тажрибаси мавжуд бўлган давлатларга Россия, Германия, Австрия, Финляндия, Япония, Грузия, Нидерландия ва бошқаларни киритиш мумкин. Мазкур давлатларда адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида давлат билан яқиндан ҳамкорлик қилади ҳамда давлатнинг маълум функцияларини ўз номидан бажаради. Чунончи, Россия, Германия, Австрия, Япония ва Финляндияда адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажбурий аъзоликка асосланган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланади. Финляндия адвокатлар Ассоциацияси давлат органининг императив нормалар билан тартибга солинадиган оммавий ҳуқуқ субъекти ҳисобланса, Япония қонунчилигида адвокатура суд тизимининг бир қисми эканлиги тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган. Энг муҳими, адвокатлик бирлашмалари бутунлай мустақил бўлиб, улар бирон-бир давлат органи томонидан бошқарилмайди. Австрияда адвокатура нодавлат мақомда бўлса-да, барча адвокатлар палаталари ўзларининг рамзларида давлат герби ва унинг тасвири туширилган муҳрдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Австрия Адвокатлар палатасининг Ялпи мажлиси

адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилотининг олий органи ҳисобланади. Адвокатлар палатасининг асосий вазифаси адвокатларнинг касбий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишдан иборат.

Дунёнинг бошқа давлатларида, масалан Швеция, Норвегия, Швейцарияда адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хусусий ҳуқуқ мақоми асосида ташкил этилган бўлиб, ассоциация (уюшма) шаклида ва мос равишда Швед адвокатлари ассоциацияси (Sveriges Advokatsamfund), Норвегия адвокатлар иттифоқи (The Norwegian Bar Association), Швейцария адвокатлар иттифоқи (Swiss Bar Association) деб номланади. Мазкур бирлашмалар жамоат ташкилотлари бўлиб, уларга аъзолик ихтиёрийдир. Демак, адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хусусий ҳуқуқ мақомига асосланган модели: Швейцария, Норвегия, Швеция, Португалия ва бошқа давлатларда кенг тарқалган.

Адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этишда уларга ихтиёрий аъзолик ва мажбурий аъзолик моделларини ҳам таҳлил қилиб ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мажбурий аъзолик Австрия, Буюк Британия, Швеция, Россия, Озарбайжон каби давлатларда белгилаб қўйилган. Ўз навбатида, ихтиёрий аъзолик Исроил, АҚШ (баъзи штатларда мажбурий), Канада, Швейцария, Венгрия, Норвегия қонунчилигида назарда тутилган. Таъкидлаш лозимки, адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аъзо бўлиш барча адвокатлар учун мажбурий бўлмаса ҳам, адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қарорларини бажариш барча адвокатларга дахлдордир.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, хорижий адвокатларнинг миллий адвокатурага аъзо бўлиш ҳуқуқи ёки тақиқланишидан келиб чиқиб, мазкур йўналишда рухсат берувчи ёки тақиқловчи моделлар мавжуд. Тақиқловчи модел миллий адвокатурага чет давлатлар фуқаролари бўлган адвокатларнинг аъзо бўлишини бутунлай тақиқлайди ва адвокатлик мақомини олишда асосий шартлардан бири сифатида ушбу давлат фуқаролигининг бўлиши талабини қўяди. Бу модел Франция, Швеция, Словения, Беларусь, Грузия ва бошқа давлатларга хос.

Роман-герман (континентал) ҳуқуқ оиласига мансуб ҳуқуқ тизими амал қилувчи Германия Федератив Республикасида адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини ташкил этиш масалалари диққатга сазовордир. Германияда адвокатуранинг ташкил этилиши ва фаолияти махсус қонун ҳужжатлари, 1959 йил 1 августда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги Федерал қонун ва 1957 йил 26 июльда қабул қилинган “Адвокатлар хизматида ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Федерал низом билан тартибга солинади.

Адвокат фақат ўзи бириктириб қўйилган суддагина адвокатлик фаолиятини амалга ошириши мумкин. Айрим ҳолларда истисно тариқасида, фақат одил судлов манфаатларидан келиб чиқиб адвокатга бошқа судларда ҳам ишлашга рухсат берилиши мумкин. Германия Федерал Олий судида адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат этилган адвокатга ҳар қандай қуйи турувчи судларда адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга ҳар қандай истисноларга қарамай рухсат этилмайди.

Германияда адвокатлар ҳайъатлари ҳудудий принципга асосан ташкил этилади ва бир маъмурий ҳудуддаги (ердаги) судда фаолият кўрсатаётган адвокатларни бирлаштиради. Адлия вазирлиги (бошқармаси) бир ҳудудда фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг сони 500 нафардан ошган тақдирда иккинчи адвокатлар ҳайъатини тузишга рухсат бериши мумкин.

Германиядаги барча адвокатлар ҳайъатлари Адвокатларнинг федерал палатасига бирлашади. Адвокатлар ҳайъатининг олий органи бўлиб, унинг аъзоларининг умумий йиғилиши ҳисобланади. Умумий йиғилиш адвокатлар ҳайъати раисининг ёки аъзоларининг 10 фоизидан кам бўлмаган адвокатларнинг талабига кўра чақирилиши мумкин. Йиғилишни ўтказиш билан боғлиқ ва бошқа тартиб тамойиллар адвокатлар ҳайъатининг устави ёхуд ички тартиб қоидалари билан ҳал қилинади. Умумий йиғилишнинг барча қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда эса, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Аммо бу қоидадан ягона истисно мавжуд. Агарда бошқарув аъзоларини сайлашда овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда масала қуръа ташлаш йўли билан ҳал этилади.

Умумий йиғилиш ҳайъат бошқарувини сайлайди, аъзолик бадаллари миқдорини ва уларни тўлаш тартибини белгилайди, адвокатлар ҳайъати аъзолари ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий таъминлаш масалаларини, стажировка масалаларини, ҳайъатнинг умумий эҳтиёжларига маблағ ажратиш, бошқарув аъзолари ва адвокатлик обрўи суди аъзоларининг харажатларини қоплаш масалаларини ҳал қилади.

Адвокатлар ҳайъатининг ижро этувчи органи бошқарув бўлиб, одатда унинг таркибига 7 киши сайланади.

Расмий жиҳатдан адвокатларнинг адвокатлар ҳайъатига бирлашиши мажбурий эмас. Адвокат адвокатлар ҳайъатига аъзо бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо адвокатнинг адвокатлар ҳайъатига аъзо бўлмаслиги унинг фаолиятида турли қийинчиликлар келтириб чиқаради. Жумладан, адвокатлар ҳайъатига аъзо бўлмаган адвокат ҳеч қачон Федерал Олий суд ҳузурида ишлай олмайди.

1957 йилда қабул қилинган адвокатлар хизматига ҳақ тўлаш тўғрисидаги федерал низом адвокат гонорарининг энг кам миқдори тўғрисида тарифни ҳам назарда тутди. Бу Низомга бир неча бор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Адвокатлар ҳайъати тавсия хусусиятига эга бўлган тариф ставкаларини белгилайди, лекин Адвокатлар этикаси нормалари бу тавсияларга риоя этишликни талаб қилади.

Германияда аҳолига адвокатлар томонидан бепул хизмат кўрсатиш амалиёти ҳам мавжуд бўлиб, бу хизмат учун ҳақ федерал бюджетдан тўланади.

Францияда адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вертикал муносабатларга асосланган бўлиб, ҳар бир адвокат Адвокатлар ҳайъатига (le Barreau – катта инстанциянинг ҳар бир трибуналида ташкил этилади) аъзо бўлиши лозим. Ҳар бир ҳайъат уч йил муддатга сайланадиган Ҳайъат кенгаши (conseil de l'ordre) кўринишидаги бошқарув органига эга. Адвокатлар ҳайъати раиси (le Battonier) икки йил муддатга бир марта сайланади ва Адвокатлар ҳайъатининг Кенгашига раислик қилади. Адвокатлар ҳайъатининг асосий вазифаси ҳайъат таркибига кираётган адвокатлар фаолиятини мувофиқлаштириш, умумий эҳтиёжларни қондириш, ўзининг ваколатлари доирасида адвокатлар манфаатини ҳимоя қилиш, кўрсатилаётган юридик ёрдам сифатини оширишга кўмаклашиш кабилардан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий мамлакатларда адвокатлар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини истиқболда махсус илмий тадқиқ этиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир, зеро чет эл илғор тажрибасидан миллий адвокатура қонунчилигини такомиллаштиришда фойдаланиш юридик фан ва амалиёт учун муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://fparf.ru/>
2. <https://www.brak.de/die-brak/aufgaben-und-ziele/>
3. [https://de.wikipedia.org/wiki/Rechtsanwaltskammer_\(Osterreich\)](https://de.wikipedia.org/wiki/Rechtsanwaltskammer_(Osterreich))
4. <https://asianajaliitto.fi/>
5. <https://www.nichibenren.or.jp/en>
6. <https://www.gba.ge>
7. <https://www.advocatenorde.nl/english>
8. Feil F., Wennig F. Anwaltsrecht. II3 - Auflage stend. – Wena. - 2004. – SS 22. – S. 129.
9. <https://www.advokatsamfundet.se/>
10. <https://www.advokatforeningen.no/om/om-medlemskapet/english/the-norwegian-bar-association/>
11. <https://www.sav-fsa.ch/en/home.html>
12. <https://www.cnb.avocat.fr/>
13. <https://www.advokatsamfundet.se/>
14. <http://www.odv-zb.si/en/about-the-bar>
15. <https://www.rka.by/>
16. <https://www.gba.ge>
17. La Conférence des Bâtonniers. // <http://www.conferencedesbatonniers.com>